

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТОШМЕТОВА ФЕРУЗА НАСИРУЛЛОЕВНА

**ЗАМБУРУҒЛИ (ФУЗАРИОЗ ВА СЕПТОРИОЗ) КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
СОЯ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КИМЁВИЙ КУРАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Тошметова Феруза Насируллоевна

Замбуруғли (фузариоз ва септориоз) касалликларнинг соя
ҳосилдорлигига таъсири ва уларга қарши кимёвий курашнинг
самарадорлиги 3

Тошметова Феруза Насируллоевна

Влияние грибковых (фузариоз и септориоз) заболеваний на
урожайность сои и эффективность химических мер борьбы с
ними..... 21

Toshmetova Feruza Nasirulloyevna

The influence of fungal (fusarium and septoria) diseases on soybean yield
and the effectiveness of chemical measures to combat them 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТОШМЕТОВА ФЕРУЗА НАСИРУЛЛОЕВНА

**ЗАМБУРУҒЛИ (ФУЗАРИОЗ ВА СЕПТОРИОЗ) КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
СОЯ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КИМЁВИЙ КУРАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Qx823 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мейлиев Акмал Хушвақтович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Кимсанбоев Хожимурод Ҳамроқулович,
биология фанлари доктори, профессор

Раҳмонов Жалил Холиқулович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, к.и.х

Етакчи ташкилот: Шолчилик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2025 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxta.uz@mail.ru.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Ҳасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

Ж.Ҳ.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда соя экини 100 га яқин мамлакатларда етиштирилиб, дунёда 2023 йилда 136,9 млн гектар майдонга экилиб, 371 млн тонна ҳосил олинган. “Бразилия давлати энг йирик ишлаб чиқарувчи бўлиб, жами соя ишлаб чиқаришнинг қарийиб 35% ини (120 млн.т), АҚШ эса 33% ини (116 млн.т) ташкил этади. Улардан кейинги ўринларда Аргентина (43,8 млн.т), Хитой (20,3 млн.т), Ҳиндистон (12,9 млн.т), Канада (6,5 млн.т) ва Россия Федерацияси (6,0 млн.т) давлатлари туради”¹. Соядан олинадиган ҳосил йўқотилишининг 26,4% замбуруғ касалликлари ҳиссасига тўғри келиб, замбуруғли (фузариоз ва септориоз) касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда дунёнинг соя етиштирувчи мамлакатларидаги илмий-тадқиқот олиб бориш марказларида ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда янги навларни яратиш ва мавжудларини муайян ҳудудларга мослаштириш, инновацион агротехнологик элементларни қўллаш, соянинг замбуруғли касалликлари ва зараркунадаларига қарши уйғунлашган кураш ҳамда кимёвий кураш ва уларга қарши қўлланиладиган пестицидлар турларининг соя ҳосилдорлигини ошириш ва соя дони сифат кўрсаткичларига таъсирини яхшилаш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда соя ўсимлигини экиш майдонлари йилдан йилга кенгаймоқда. Хусусан, 2021 йил 60 минг гектар, 2022 йилда 80,4 минг гектар, 2023 йилда эса 102,7 минг гектар майдонга экилган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 26,5-28,1 центнерни ташкил этади.

2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида”² «...ўсимликларни ҳимоя қилиш деҳқончилик тизимининг асосий бўғини бўлиб, экинларни зарарли организмлардан ишончли ҳимоя қилиш, патогенлар таъсирида ҳосилнинг нобуд бўлишининг олдини олишга, фитосанитар хавфсизликни таъминлашда илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усулларини жорий этиш, илғор технологиялар ҳамда иш усулларини жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шунингдек, соя донини етиштиришда соянинг фузариоз (*Fusarium* L) ва септориоз (*Septoria glycines* Hemmi) касалликлари дон ҳосилдорлигининг 30-60% гача йўқотилишига ва донинг оқсил ва ёғлилик даражасига жиддий зарар келтирмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этишда энг аввало касалликни келтириб чиқарадиган замбуруғнинг минтақамизга хос бўлган биологиясини тўлиқ ўрганиш ва уларга қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқиш учун илмий изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади.

¹ <https://www.fao.org/faostat/en/#data/QCL>

² <https://lex.uz/docs/5514214>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПҚ-225-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни ҳарид қилиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сон “Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда соянинг замбуруғ касалликларидан фузариоз биринчи марта немис олими Н.Ф.Линк (1809) томонидан ўрганилган ва урчук ёки ўроқ шакли, рангсиз конидиялардан ташкил топган замбуруғлар *Fusarium* туркумига бирлаштирилган. Г.В.Волленвебер ва О.А.Рейнкинг (1935) *Fusarium* туркум таксономияси ва систематикасини ўрганиш бўйича муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширганлар. Бундан ташқари, *Fusarium* туркуми вакиллари ўрганишда рус олимлари А.И.Райлло (1950), М.Дементьева (1977), Н.М.Подопличко (1977), Ж.Г.Простакова (1983) ва Украина олимаси В.И.Билайларнинг (1982) хизмати алоҳида аҳамият касб этади. АҚШ олими Ж.Ф.Лэсли ва австралиялик олим Б.А.Саммэрелл (2013) томонидан чоп этилган ҳозирги даврдаги энг замонавий ва мукамал қўлланма дунё бўйича *Fusarium* туркуми турлари билан ишлайдиган барча тадқиқотчилар учун энг зарур манба бўлиб хизмат қилмоқда. Соя экинининг септориоз касалликлари бўйича В.И.Заостровных (2017), С.В.Безмутко (2019), Н.В.Кожевников (2016), Т.А.Черепановалар (2019) илмий изланишлар олиб боришган. Республикамизда Н.Хайтбаева (2016), Р.Х.Аюпов (2007), С.Э.Авазов, Н.К.Сиддиқова, Г.Д.Абдуллаева (2021), Ш.К.Алиев, М.П.Дехқонов (2021), З.Б.Исматов, Б.Қ.Мухаммадиев (2016), А.М.Кучкоров, А.К.Авлашев, Ч.М.Имомов (2020) турли экинларда учрайдиган замбуруғ касалликларнинг турларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ, кейинги йилларда республикамизда ҳам соя етиштиришга катта эътибор қаратилган ҳолда соя экини экиб парваришланмоқда. Шу билан бирга соянинг фузариоз ва септориоз касалликларининг тур таркиби, ривожланиши, патогенлик хусусиятлари, дон ҳосилдорлиги ва дон таркибига таъсирини ўрганиш ҳамда касалликларга қарши кимёвий курашни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг “Мойли экинларда учрайдиган замбуруғ касалликлари ва зараркунандаларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий тадқиқот режалари доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида соя навларида касаллик қўзғатувчи *Fusarium L.* ва *Septoria glycines* туркуми турларининг таркиби, биологияси, уларнинг соя навларида ривожланиши, соянинг ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соя экилган майдонларда фитосанитар ҳолатни баҳолаш учун Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқ шароитларида соянинг (фузариоз ва септориоз) касаллиги билан касалланиш даражаларини аниқлаш;

Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқ шароитларида соянинг замбуруғ (фузариоз ва септориоз) касалликларининг патогенлик хусусияти ва зарарланган ўсимлик намуналарини фитопатологик (микологик) таҳлил қилиш;

соянинг фузариоз ва септориоз касалликларининг тупроқда, ўсимлик қолдиқларида, уруғларда сақланувчанлик хусусиятларини аниқлаш;

соянинг фузариоз ва септориоз касалликларини қўзғатувчи турларининг соя ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш ҳамда кимёвий кураш чорасини ишлаб чиқиш;

сояда фузариоз ва септориоз қўзғатувчи турларнинг хусусиятларига фунгицидларнинг таъсирини ўрганиш асосида самарали уруғдорилагич ҳамда фунгицидларни аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари, соянинг Ойжамол, Тўмарис Мман-3 навлари, фузариоз касаллик туркумининг (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) турлари ва септориоз касаллигининг (*Septoria glycines*) турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети соянинг фузариоз касаллик туркумининг (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) турлари ва септориоз касаллигининг (*Septoria glycines*) турларига қарши қўлланилган Далтебу ФС (андоза), Сунвакс 200 FF, Тебикур ФС 060, Оплот ВСК, Максим XL 035 FS. ҳамда септориоз касаллигига қарши Альто супер 33% (андоза), Тилтазол, Биканозол, Алтус Дуо 32,5% фунгицидлари, касалликнинг ривожланиши, касалликни баҳолаш, касалланган ўсимликлар, касалликнинг ҳосилдорлик ҳамда дон таркибига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказишда касалликлар тарқалишини аниқлаш, фунгицидларнинг самарадорлигини аниқлашда Б.А.Хасанов, зарарланган ўсимликлардан касаллик қўзғатувчи замбуруғларни ажратиб олиш ва уларнинг патогенлик хусусиятларини аниқлаш учун В.И.Билай, тупроқдан

микроорганизмларни ажратиб олишда М.А.Литвинов усулидан, *Fusarium va Septoria glycines* замбуруғларининг фитотоксин ҳосил қилиш хусусиятини ўрганишда Катарьян, Мирчинк, Билай, Берестецкийларнинг усуллари, дала ва лаборатория тажрибаларининг натижаларини статистик таҳлил қилишда Б.А.Доспехов усули, *Fusarium va Septoria* туркуми турлари кўзғатадиган касалликларни тарқалиши ва зарарлаш даражасини ўрганишда Дементьева, Чумаков усуллари, дала шароитида сунъий инфекция юктириш учун инокулум тайёрлаш ҳамда *Septoria glycines* касаллиги билан касалланиш даражасини аниқлашда И.Н.Новосадов, Л.К.Дубовицкая, Ю.В.Положиевларнинг усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти “Уруғчилик тарақиёти” ф/х Ғузор тумани, “ЖДИТИ тажриба майдони” Қарши тумани, “Ибодулло” ф/х Қамаш тумани, “Пўлатов Вакил Набиевич”, “Косон Агро Асл Экспорт”, “Самандар Нур Диёр” ф/х Косон тумани ва “Султон Жалолиддин Мангуберди” ф/х Яккабоғ туманларида соя ўсимлигида замбуруғли (фузариоз ва септориоз) касалликларини тарқалганлик даражасини ўрганиш учун мониторинг олиб борилган ва ушбу ҳудудларда фузариоз ва септориоз касалликларининг ривожланганлиги аниқланган;

Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида экилган соя майдонларида фузариоз касаллигининг 2 та тури (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) ва септориоз касаллигининг 1 та (*S.glycines*) турларининг патогенлиги ҳамда морфологик (макроконидия, микроконидия, хламидоспора) ва биологик (хламидоспораларининг тупроқда, мицелий ҳолда уруғларда ривожланиш) хусусиятлари аниқланган;

соянинг фузариоз (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) касалликларига кимёвий кураш олиб борилганда назоратга нисбатан, ҳосилдорлик 2,6-7,2 ц/га, 1000 дона дон вазни 2,1-26,9 г, оқсил миқдори 1,2-5,9% гача ва мой миқдори 0,7-2,1% гача юқори бўлиши аниқланган;

соянинг септориоз (*S.glycines*) касалликларига кимёвий кураш олиб борилганда ҳосилдорлик Ойжамол навида 19,3-23,4 ц/га, Тўмарис Мман-3 навида 19,8-23,9 ц/га, назоратга нисбатан 0,9-6,7 ц/га, 1000 дона дон вазни 9,5-19,1 г, оқсил миқдори 1,6-3,4% гача ва мой миқдори 0,4-2,9% гача юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқ шароитларида экилган соя майдонларида учрайдиган фузариоз касаллигининг (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) турларига қарши Максим XL 035 FS сус.к. препаратини 1,75 л/т, Оплот ВСК с.к. препаратини 0,5 л/т сарф меъёрида қўллаш, септориоз (*S.glycines*) касаллигига вегетация даврида Тилтазол эм.к. фунгицидини 0,20 л/га, Алтус Дуо 32,5% к.э.к. фунгицидини 0,25 л/га меъёрида қўллашнинг биологик самараси юқори бўлганлиги аниқланган;

соянинг фузариоз (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) касалликларига қарши кураш олиб борилганда Ойжамол ва Тўмарис Мман-3 навларининг

ҳосилдорлиги, назоратга нисбатан 7,2 ц/га гача, 1000 дона дон вазни назоратга нисбатан 26,9 г гача, оқсил миқдори назоратга нисбатан 5,9% гача ва мой миқдори назоратга нисбатан 2,1% гача юқори бўлиши исботланган;

соянинг септориоз (*S.glycines*) касалликларига қарши кураш олиб борилганда Ойжамол ва Тўмарис Мман-3 навларида назоратга нисбатан ҳосилдорлик, 1000 дона дон вазни, оқсил ва мой миқдори юқори бўлиши таъминланган;

соянинг (фузариоз ва септориоз) касалликларига қарши курашда 1 гектарга ўсимликларни химоя қилиш учун 170-575 минг сўм/га харажатлар қилиниб, сақлаб қолинган ҳосил эвазига даромад 1620-5589 минг сўмни, олинган соф даромад эса 1580-4880 минг сўмни, рентабеллик даражаси 123,4-690% ни ташкил этганлиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга ишлов бериш, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация иши натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқ шароитларида соя экилган майдонларда фузариоз касаллигининг 2 та тури (*Fusarium solani*, *Fusarium oxysporum*) ва септориоз касаллигининг 1 та (*S.glycines*) турларининг патогенлик хусусиятлари аниқланганлиги ва уларга қарши курашда Максим XL 035 FS сус.к. препаратини 1,75 л/т меъёрда, Оплот ВСК с.к. препаратини 0,5 л/т меъёрда, септориоз касаллигига вегетация даврида Тилтазол эм.к. фунгициди 0,20 л/га, Алтус Дуо 32,5% к.э.к. фунгициди 0,25 л/га меъёрида қўлланилганда юқори самара бериши исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, соянинг фузариоз касаллигига қарши Максим XL 035 FS сус.к., Оплот ВСК с.к. препаратларини, септориоз касаллигига вегетация даврида Тилтазол эм.к., Алтус Дуо 32,5% к.э.к. фунгицидлари қўлланилганда Ойжамол ва Тўмарис Мман-3 навларида ҳосилдорлик, 1000 дона дон вазни, мой ва оқсил миқдорининг назоратга нисбатан юқори бўлганлиги, иқтисодий самарадорлик ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замбуруғли (фузариоз ва септориоз) касалликларнинг соя ҳосилдорлигига таъсири ва уларга қарши кимёвий курашнинг самарадорлиги бўйича олиб борилган илмий изланиш натижалари асосида:

соя етиштириш учун фермер хўжаликлар ва кластерлар учун “Соянинг (фузариоз ва септориоз) замбуруғли касалликларига қарши кураш чоралари” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 05.05.2025 й., 05/05-03-169-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома бугунги кунда фермер хўжаликларида соянинг фузариоз ва септориоз касалликларидан ҳимоя қилишда муҳим кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда;

соянинг замбуруғли касалликларидан фузариоз касаллигининг олдини олиш учун уруғдорилагич Максим XL 035 FS ва Оплот ВСК препаратларини қўллаш орқали Косон туманидаги “Пўлатов Вакил Набиевич” фермер хўжалигида 6,0 гектар, “Косон Агро Асл экспорт” фермер хўжалигида 7,5 гектар, “Самандар Нур Диёр” фермер хўжалигида 7,0 гектар, соянинг септориоз касаллигига қарши кураш бўйича Яккабоғ туманидаги “Султон Жалолиддин Мангуберди” фермер хўжалигида 7,0 гектар, жами 33,5 гектар ер майдонларида олиб борилган ва жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 05.05.2025 й., 05/05-03-169-сон маълумотномаси). Натижада соянинг септориоз (*S.glycines*) касаллигига қарши кураш олиб борилганда ҳосилдорлик Ойжамол навида 19,3-23,4 ц/га, Тўмарис Мман-3 навида 19,8-23,9 ц/га, назоратга нисбатан 0,9-6,7 ц/га, 1000 дона дон вазни 9,5-19,1 г, оқсил миқдори 1,6-3,4% гача ва мой миқдори 0,4-2,9% гача юқори бўлиши аниқланган;

2021-2023 йилларда соянинг фузариоз ва септориоз касалликларига қарши курашнинг такомиллаштирилган чора-тадбирлари Қашқадарё вилоятининг Косон ва Яккабоғ туманларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 05.05.2025 й., 05/05-03-169-сон маълумотномаси). Натижада ўсимликларни ҳимоя қилиш учун гектарига 170-260 минг сўм харажат қилиниб, сақлаб қолинган ҳосил нархи 2997-5589 минг сўмни ташкил қилган. Бунда, сақлаб қолинган ҳосилдан “Оплот” вариантыда 3807 минг сўм, “Максим XL 035 FS” вариантыда 5589 минг сўм даромад олишга эришилган. Соф даромад эса 3285-4882 минг сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 628,6-690% гача ошишига эришилган. Шунингдек, ҳосилдорлик назорат вариантыда 13,6-15,8 ц/га ва тавсия этилган “Оплот ВСК” вариантыда 17,0-18,8 ц/га, “Максим XL 035 FS” вариантыда 18,0-19,4 ц/га, назоратга нисбатан 3,0-4,8 ц/га ҳосил юқори бўлиши ва 1000 дона дон вазни 101,7 г дан 154,3 г гача, доннинг ҳажмий оғирлиги 615,7 г/л дан, 689,0 г/л гача, мой миқдори 24,0- 26% гача бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан “яхши” баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган ҳамда ишнинг асосий илмий натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шундан илмий нашрларда 4 та,

жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда ҳамда 4 та республика ва халқаро илмий конференция тўпламларида ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда соя экиннинг ўрни, фузариоз ва септориоз касалликлари ҳамда қарши кураш чоралари”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган ва амалдаги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Соя экиннинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва соя донини етиштиришнинг ҳозирги ҳолати, соянинг фузариоз ва септориоз касалликлари ҳамда уларнинг дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирининг илмий асослари ва соянинг фузариоз ва септориоз касалликларига қарши ҳозирда қўлланилаётган кураш усуллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар манбалар асосида таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудуди тупроқ ва иқлим шароити, тадқиқот усуллари ва бажарилган агротехник тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилояти иқлими ва тупроқлари, тажриба майдони рельефи ҳамда тажриба майдонининг об-ҳаво шароити, тадқиқот ўтказиш тизимлари, соянинг замбуруғли касалликларининг тавсифлари, соянинг касалликларига қарши қўлланилган препаратларнинг тавсифи, тадқиқот ўтказиш услублари ва тадқиқотда бажарилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Соя касалликларини аниқлаш, мониторингини олиб бориш ҳамда навларнинг ўсув даври”** деб номланган учинчи бобида микологик таҳлил учун тупроқ намуналарини олиш, соянинг фузариоз касаллиги патогенларини ўсимлик қисмлари, тупроқдан ажратиб олиш, касаллик турини аниқлаш ва замбуруғларнинг патогенлик хусусиятини ўрганиш, *Fusarium* ва *Septoria* турларини озуқа муҳитида ҳосил бўладиган колонияларини аниқлаш, фузариоз касаллиги қўзғатувчи турларининг ўсишига фунгицидларнинг таъсири, соянинг замбуруғ касалликларининг тавсифлари, септориоз ёки занг доғлар (*Septoria glycines*), соянинг фузариоз (*Fusarium* L) касаллигининг ривожланишини мониторинг қилиш,

уруғдорлагич препаратларни соянинг ўсув даври давомийлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Соянинг фузариоз ва септориоз касалликлари билан касалланиши ва ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида соя навларида фузариоз касаллигининг ривожланиш даражаси, септориоз касаллигининг соя навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсири ҳамда фунгицидларнинг аҳамияти, фузариоз касаллигининг соянинг дон маҳсулдорлиги ва дон сифат кўрсаткичларига таъсири, сояда септориоз касаллигининг ривожланиш даражаси, септориоз касаллигининг соянинг дон маҳсулдорлиги ва дон сифат кўрсаткичларига таъсири ёритилган.

Соянинг Тўмарис Мман-3 ва Ойжамол навларида фузариоз касаллиги ўсимликнинг вегетатив органларидан баргларда намоён бўлиши экиннинг шоналаш фазасидан бошлаб, то дуккаклашгача бўлган фазаларида кузатилиб, баргларда доғларни ҳосил қилиши ва касалликнинг ривожланиш даражалари ўрганилди ва касалликнинг ривожланиш даражасини баллардаги ифодаси % 4 балли шкалада ҳисобланган (1-жадвал).


1-жадвал

**Соянинг “Тўмарис Мман-3” навининг шоналаш-гуллаш фазасида
фузариоз касаллигининг ривожланиш даражаси, %
(Қарши 2021-2023 йй.)**

№	Вариантлар	Сарф меъёри	Умумий барглар сони, дона	Баргларнинг зарарланиш даражаси, %					Барглар зарарланишининг ўртача даражаси, %
				0 бал	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	
1	Назорат (дорианмаган)	0	151	70	34	30	11	6	25,0
2	Далтебу ФС 6% с.э.сус (андоза)	0,4 л/т	165	123	21	12	9	0	10,9
3		0,5 л/т	156	114	24	9	7	2	11,4
4		0,6 л/т	152	113	21	8	10	0	11,0
5	Сунвакс 200 FF с.э.сус	2 л/т	207	158	27	9	8	5	10,7
6		3 л/т	195	154	13	15	11	2	10,8
7		4 л/т	172	132	17	12	9	2	11,0
8	Тебикур ФС 060	0,4 л/т	163	128	15	11	6	3	10,3
9		0,5 л/т	186	145	21	9	11	0	9,7
10		0,6 л/т	192	152	19	12	9	0	9,1
11	Оплот ВСК	0,4 л/т	164	134	15	9	4	2	8,1
12		0,5 л/т	165	145	10	6	4	0	5,2
13		0,6 л/т	142	114	14	9	5	0	8,3
14	Максим XL 035 FS	1,25 л/т	143	115	13	7	8	0	8,9
15		1,5 л/т	164	135	15	5	6	3	8,4
16		1,75 л/т	192	167	12	8	5	0	5,6

Тўмарис Мман-3 навининг шоналаш-гуллаш фазаларида баргларда касалликнинг ривожланиш даражасининг нисбатан пастроқ кўрсаткичлар Оплот уруғдорлагич препаратининг сарф меъёри 0,5 л/т қўлланилган вариантда 5,2% гача кузатилган бўлса, Максим XL 035 FS препаратининг 1,75 л/т вариантда 5,6% гача бўлганлиги тадқиқотлар давомида аниқланган.

Худди шу кўрсаткичлар бўйича соянинг Ойжамол навининг шоналаш-гуллаш фазаларида баргларда касалликнинг ривожланиш даражасининг энг кучли зарарланиши назорат (дориланмаган) вариантда кузатилиб, ўртача 24,7% ни ташкил этган бўлса, Дальтебу ФС 6% с.э.сус (андоза) уруғдориллагич препаратининг сарф меъёри 0,4 л/т қўлланилган вариантда касалликнинг ривожланиши 12,9% гача бўлганлиги аниқланди. Септориоз касаллигининг соя навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, фунгицидларнинг аҳамиятига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Тадқиқотларимизнинг натижалари соя навларининг биометрик кўрсаткичлари фунгицидларнинг таъсир қилувчи моддасига боғлиқ ҳолда ўзгаришини кўрсатди. Соянинг септориоз касаллиги кузатилганда, мутаносиб равишда биометрик кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатганлиги тадқиқотларимизда кузатилди. Шу маълумотларга асосланган ҳолда, “Ойжамол” навининг назорат (дориланмаган) вариантда илдиз оғирлиги ўртача 10,3 г ни, умумий барглар сони ўртача 36,4 донани, ўсимликнинг поя оғирлиги ўртача 64,0 г ни ташкил этган бўлса, андоза сифатида қўлланилган Альто супер 33% эм.к препарати билан ишлов берилган вариантда илдиз оғирлиги ўртача 12,0 г, умумий барглар сони ўртача 41,7 дона, поя оғирлиги ўртача 68,8 г гача ошганлиги кузатилган (1-расм).



1-расм. Соя навларининг биометрик кўрсаткичлари ва септориоз касаллигининг таъсири (Қарши 2021 й.)

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, соянинг “Ойжамол” навининг ўртача ҳосилдорлиги аниқланганда, дон ҳосили 3 йил мобайнида ўртача 15,6 ц/га дан 22,8 ц/га гачани ташкил этган.

Соянинг фузариоз касаллигига қарши экиш олдида дориланган уруғдориллагич препаратлардан Оплот ВСК с.к. ҳамда Максим XL 035 FS с.к. қўлланилган вариантларда соя ҳосилдорлиги бир мунча юқори бўлиб, Оплот ВСК с.к. препаратининг сарф меъёри 0,5 л/т қўлланилган вариантда дон ҳосили 22,6 ц/га, назоратга нисбатан 7,0 ц/га, Максим XL 035 FS сус.к. препаратининг сарф меъёри 1,75 л/га қўлланилган вариантда эса 22,8 ц/га,

назоратга нисбатан 7,2 ц/га юқори дон ҳосилдорлигига эришилган.

“Тўмарис Мман-3” навининг ўртача ҳосилдорлиги аниқланганда, 3 йил давомида ўртача 16,4 ц/га дан 23,2 ц/га гача дон ҳосили олишга эришилганлиги тадқиқотлар давомида аниқланган.

2021-2023 йиллар давомида олиб борилган тадқиқот натижалари ГОСТ 10842-89 “Метод определения массы 1000 зерен или 1000 семян” бўйича аниқланганда, соянинг “Ойжамол” навининг 1000 дона дон вазнининг ўртача оғирлиги 108,4 г дан 135,4 г гача бўлганлиги аниқланди. Энг паст кўрсаткичлар назорат (дориланмаган) ва Дальтебу ФС 6% с.э.сус (андоза) вариантларда кузатилиб, назорат (дориланмаган) вариантда 108,4 г, Дальтебу ФС 6% с.э.сус (андоза) сарф меъёри 0,4 л/т қўлланилган вариантда эса 113,7 г, назоратга нисбатан 5,3 г салмоқли бўлганлиги қайд этилди. Энг юқори кўрсаткичлар Оплот ВСК с.к. ҳамда Максим XL 035 FS сус.к. уруғдориланган препаратлари билан ишлов берилган вариантларда аниқланиб, Оплот ВСК с.к. препаратининг сарф меъёри 0,5 л/т қўлланилган вариантда 135,4 г, назоратга нисбатан 27,0 г, Максим XL 035 FS с.к. уруғдориланган препаратининг сарф меъёри 1,75 л/т вариантда эса ўртача 135,3 г, назоратга нисбатан 26,9 г юқори бўлганлиги аниқланган.

Соянинг “Тўмарис Мман-3” ва “Ойжамол” навларида септориоз (*S.glycines*) касаллигининг ривожланиш даражаси, тадқиқот олиб бориладиган далаларда септориоз касаллигининг ривожланиши ва ўсимликка таъсирини ҳисобга олиш орқали аниқланди ҳамда касалликка қарши кимёвий воситалар Альто супер 33% к.э (андоза) 0,25 л/га, Тилтазол эм.к. 0,20 л/га, Биканозол 0,25 л/га ва Алтус Дуо 32,5% к.э.к 0,25 л/га препаратлари билан ишлов берилиб, ривожланиш даражаси ўрганилган (2-жадвал).

2-жадвал

Соянинг “Тўмарис Мман-3” навининг шоналаш-гуллаш фазасида септориоз (*Septoria glycines*) касаллигининг ривожланиш даражаси, % (Қарши 2021-2023 йй.)

№	Вариантлар	Сарф меъёри	Умумий барглари сони, дона	Касалликнинг ривожланиш даражаси, %					Барглари зарарланиши нинг ўртача даражаси, %
				0 балл	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	
1	Назорат (дориланмаган)	0	144	114	14	8	5	3	9,9
2	Альто супер 33% эм.к. (андоза)	0,25	147	114	19	7	5	2	9,5
3	Тилтазол эм.к.	0,20	160	119	25	11	5	0	9,7
4	Биканозол эм.к.	0,25	153	115	24	6	8	0	9,8
5	Алтус Дуо 32,5% к.э.к.	0,25	156	121	18	10	7	0	9,5

Соянинг “Тўмарис Мман-3” навининг шоналаш-гуллаш фазаларида септориоз касаллигининг ривожланиш даражаси назорат (дориланмаган) вариантда ўсимлик баргларида ривожланиши 9,9% ни ташкил қилган бўлса, Альто супер 33% эм.к (андоза) 0,25 л/га препарати қўлланилган вариантда

9,5% бўлганлиги аниқланган.

Биканозол эм.к. 0,25 л/га қўлланилган вариантда касалликнинг ривожланиши 9,8% бўлганлиги аниқланган бўлса, Тилтазол эм.к. 0,20 л/га қўлланилган вариантда 9,7% эканлиги қайд этилди. Алтус Дуо 32,5% к.э.к. 0,25 л/га қўлланилган вариантда септориоз касаллигининг ривожланиш даражаси 9,5% ни ташкил этганлиги тадқиқотлар давомида қайд этилган.

Соянинг “Ойжамол” навининг гуллаш-дуккаклаш фазаларида септориоз касаллигининг ривожланиш даражаси назорат (дориланмаган) вариантда ўсимлик баргларида ривожланиши 22,4% ни ташкил қилган бўлса, Альто супер 33% эм.к (андоза) 0,25 л/га препарати қўлланилган вариантда 14,3% га тенг бўлганлиги аниқланган (3-жадвал).

Биканозол эм.к. 0,25 л/га қўлланилган вариантда касалликнинг ривожланиши 13,2% бўлганлиги аниқланган бўлса, Тилтазол эм.к. 0,20 л/га қўлланилган вариантда 10,0% эканлиги қайд этилди. Алтус Дуо 32,5% к.э.к. 0,25 л/га қўлланилган вариантда септориоз касаллигининг ривожланиш даражаси 10,1% ни ташкил этган.

3-жадвал

Соянинг “Ойжамол” навининг гуллаш-дуккаклаш фазасида септориоз (*Septoria glycines*) касаллигининг ривожланиш даражаси, % (Қарши 2021-2023 йй.)

№	Вариантлар	Сарф меъёри	Умумий барглар сони, дона	Касалликнинг ривожланиш даражаси, %					Барглар зарарланиш ининг ўртача даражаси, %
				0 балл	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	
1	Назорат (дориланмаган)	0	173	99	28	22	13	11	22,4
2	Альто супер 33% эм.к. (андоза)	0,25	176	122	23	18	10	3	14,3
3	Тилтазол эм.к.	0,20	163	125	19	12	6	1	10,0
4	Биканозол эм.к.	0,25	171	124	21	13	9	4	13,2
5	АЛТУС Дуо 32,5% к.э.к.	0,25	166	129	17	12	6	2	10,1


Фунгицидлар билан ишлов берилган вариантларда ҳосилдорликнинг ошиши, соя ҳосилдорлик структура кўрсаткичлари яхшиланиши, бир ўсимликдаги дуккаклар сони, уруғлар сони ҳамда 1000 дона дон вазнининг ошиши кузатилди. Тадқиқотлар давомида соянинг “Ойжамол” навининг ўртача ҳосилдорлиги аниқланганда, дон ҳосили 2021-2023 йиллар мобайнида ўртача 17,6-23,4 ц/га гачани, 1000 дона дон вазни ўртача 118,1-137,2 г гача бўлганлиги аниқланган.

Энг паст кўрсаткич назорат (дориланмаган) вариантда дон ҳосили ўртача 17,6 ц/га, 1000 дона дон вазни ўртача 118,1 г ни ташкил этган бўлса, Альто супер 33% эм.к (андоза) 0,25 л/га қўлланилган вариантда ҳосилдорлик ўртача 19,3 ц/га, назоратга нисбатан 2,6 ц/га, 1000 дона дон вазни 127,6 г, назоратга нисбатан 9,5 г юқори бўлганлиги қайд этилган. Биканозол эм.к. 0,25 л/га препарати қўлланилган вариантда дон ҳосили ўртача 21,1 ц/га, назоратга нисбатан 4,4 ц/га ортиқ, 1000 дона дон вазни ўртача 127,9 г, назоратга

нисбатан 9,8 г юқори бўлганлиги кузатилган (2-расм).

Ҳосилдорликнинг ҳамда 1000 дона дон вазнининг энг юқори ошиши септориозга қарши қўлланилган Тилтазол эм.к. 0,20 л/га ҳамда Алтус Дуо 32,5% к.э.к 0,25 л/га препаратлари қўлланилган вариантда аниқланиб, Тилтазол эм.к. 0,20 л/га вариантда дон ҳосили ўртача 23,4 ц/га, назоратга нисбатан 5,8 ц/га, 1000 дона дон вазни ўртача 137,2 г, назоратга нисбатан 19,1 г, Алтус Дуо 32,5 2% к.э.к 0,25 л/га препарати қўлланилган вариантда ҳосилдорлик ўртача 19,3 ц/га, назоратга нисбатан 1,7 ц/га, 1000 дона дон вазни ўртача 131,4 г, назоратга нисбатан 13,3 г га ортиқ эканлиги қайд қилинган.

2021-2023 йиллар давомида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, соянинг септориоз (*S.glycines*) касаллигининг соянинг сифат кўрсаткичларидан мойлилик ва оқсил даражасига таъсири ўрганилганда, соянинг “Ойжамол” навида мойлилик даражаси ўртача 22,6%-25,9% гача, оқсил даражаси 37,7%-41,0% гача бўлганлиги қайд этилган.



2-расм. Соянинг Ойжамол ва Тўмарис Мман-3 навларининг ҳосилдорлиги (Қарши 2021-2023 йй.)

Энг паст кўрсаткич назорат (дориаланмаган) вариантда қайд этилиб, мойлилик даражаси ўртача 22,6% ни, оқсил даражаси ўртача 37,7% ни ташкил этган бўлса, Альто супер 33% эм.к (андоза) 0,25 л/га қўлланилган вариантда мойлилик ўртача 23,0%, назоратга нисбатан 0,4%, оқсил ўртача 39,4%, назоратга нисбатан 1,6% юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот объекти бўлган соянинг “Тўмарис Мман-3” навида ҳудди шу кўрсаткичлар бўйича олиб борилган уч йиллик изланишлар давомида септориознинг соянинг мойлилик ва оқсил даражасига таъсири ўрганилганда, мойлилик даражаси ўртача 23,2%-26,1% гача, оқсил даражаси 38,0%-41,4% гача эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Соянинг замбуруғли касалликларига қарши курашнинг биологик ва иқтисодий самарадорликлари» деб номланган бешинчи бобида соянинг Тўмарис Мман-3 ва Ойжамол навларида септориоз (*S.glycines*) касаллигига қарши курашнинг ишлаб чиқаришдаги биологик ва

иктисодий самарадорликлари аниқланган.

“Замбуруғли (фузариоз ва септориоз) касалликларнинг соя ҳосилдорлигига таъсири ва уларга қарши кимёвий курашнинг самарадорлиги” мавзуси доирасида объект сифатида олинган соянинг “Тўмарис Мман-3” ва “Ойжамол” навларида септориоз (*S.glycines*) касаллигининг ривожланиши ва уларга қарши курашишда Альто супер 33% эм.к (андоза) 0,25 л/га, Тилтазол эм.к. 0,20 л/га, Биканозол эм.к. 0,25 л/га ва Алтус Дуо 32,5% к.э.к 0,25 л/га фунгицидлари билан ишлов бериш ҳамда энг самарали бўлган фунгицидни танлаб олиш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш учун Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтига қарашли Қарши агроучасткасида ҳамда “Султон Жалолиддин Мангуберди” фермер хўжалигида 5 та вариант 3 қайтариқда тажрибалар олиб борилди.

